


Мухандислик коммуникациялари қурилиши ва монтажи (транспорт иншоотларида сув таъминоти ва канализация)

5340400–Мухандислик коммуникациялари қурилиши ва монтажи (транспорт иншоотларида сув таъминоти ва канализация тизимлари) бакалаврият таълим йўналиши – фан ва техника, ишлаб чиқариш, транспорт қурилиши ва хизмат кўрсатиш соҳасидаги йўналиш бўлиб, у ўз ичига саноат, фуқаро ва бошқа объектларни сув таъминоти, оқова сувларини оқизиш тизимларини ва тозалаш иншоотларини лойиҳалаш, қуриш, монтаж қилиш, қайта тиклаш, техник воситалар, тизимлар, жараёнлар, қурилмалар, материаллар ва янги турдаги муҳандислик коммуникация тизимлари таркиби ва технологиясини амалиётга татбиқ этиш, муҳандислик коммуникация қурилмаларини синовдан ўтказиш билан боғлиқ бўлган инсон фаолияти воситаларини, усулларини ва бошқа мажмуаларини ўз ичига қамраб олади.



Ушбу таълим йўналиши битирувчилари қайси соҳа ва ташкилотларда фаолият юритадилар

Ушбу таълим йўналиши битирувчилари қайси касб ва лавозимларда ишлашлари мумкин?

Таълим йўналишининг касбий фаолияти ишлаб чиқариш жараёнлари, лойиҳалаш, автоматлаштирилган лойиҳалаш услубларини тадбиқ қилиш, ишчи жараёнларни бошқариш, темир йўл транспортида сув таъминоти ва канализация коммуникациялари ва тизимлари муҳандислик ҳисобларини амалга ошириш, объектларнинг муҳандислик коммуникациялари ва тизимларини қуриш ва монтаж қилиш, уларга техник хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш объектларида уста (мастер), иш юритувчи (прораб) бўлиб ишлаш, қурилиш ишлаб чиқаришининг технологик жараёнларини бажариш, сув таъминоти тизимлари ва ишлаш тартиби, тарқатиш тизимлари, тармоқ қурилмалари, сув олиш иншоотлари, сув сифатини яхшилаш, сув тозалаш иншоотлари, оқова сувларнинг таркиби ва хусусиятлари таснифи, оқизиш схемалари ва тизимлари, гидравлик ҳисоблаш асослари, уларни созлаш ва ишлатиш, сув ҳавзаларини оқова сувлар билан ифлосланишдан ҳимоя қилиш, оқова сувларни тозалаш ва зарарсизлантириш усуллари, тозалаш иншоотларининг умумий схемалари, аҳоли пунктлари ва бошқа объектлар ҳамда темир йўл бинolari учун оқова сувларни чиқариш тизимларини лойиҳалаш масалаларида фаол қатнашиш каби касбий фаолият турлари билан шуғулланади.

Транспорт иншоотларида ва уй-жой коммунал хўжалиги тизимларида лойиҳачи-муҳандис, қурувчи муҳандис.